

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

385 «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низом»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1088-2*

(2012 йил 20 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 11-сон, 127-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 январда 104-В, 21-сон ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (рўйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон) ўз қучини йўқотганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 9 ноябрдаги 124 ва 2001-113-сонли қарори (рўйхат рақами 1088, 2001 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 22-сон) билан тасдиқланган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низом»га иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2012 йил 27 июль,
53-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2012 йил 27 июль,
2012-21-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.